

## РЕАБИЛИТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТУШУНЧАСИ ВА ЖИНОЯТ- ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚДАГИ ЎРНИ

М.Б.Каримбердиёв  
Ўзбекистон Республикаси  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
магистратура тингловчиси

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада реабилитациянинг умумий тушунчаси ҳақида фикрлар илгари сурилган. Ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг устувор вазифаларидан бири — жиноят содир этган шахсларга нисбатан адолат принциплариға мувофиқ жазо таъйинлашдан иборатдир. Шу билан бир қаторда, давлатнинг яъна бир муҳим мажбуриятларидан бири — бегуноҳ шахсларга ноқонуний тарзда жиноят иши қўзгатилиши, жиноий таъқибга учраши, айб эълон қилиншии ҳамда судда жазо тайинланишини олдини олиши орқали уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилмаслиги учун кафолатли ҳимоя қилиши механизмини ташкил қилишдан иборатдир.

**Калит сўзлар:** реабилитация, процессуал ҳуқуқ, "habilitas".

### ABSTRACT

This article presents ideas about the general concept of rehabilitation. One of the primary tasks of any legal state is to impose punishment on persons who have committed crimes in accordance with the principles of justice. At the same time, one of the important obligations of the state is to organize a mechanism for guaranteed protection of innocent persons so that their rights and freedoms are not violated by preventing their unlawful initiation of criminal proceedings, criminal prosecution, indictment and sentencing in court.

**Keywords:** rehabilitation, procedural law, "habilitas"

### КИРИШ

Афсуски, амалиётда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд фаолиятида айрим хато ва камчиликлар содир этилиши эҳтимоли мавжуд бўлиб, бу каби ҳолатларда шахсга нисбатан адолатсиз процессуал қарорлар қабул қилинишага олиб келиши мумкин. Тергов ва суд амалиётида йўл қўйилган хатолар оқибатида юзага келган коллизион муаммоларни бартараф этиш, айбсиз шахснинг бузилган ҳуқуқий мақомини тиклаш зарурати реабилитация институтининг вужудга келишига ва шаклланишига асос бўлиб хизмат қиласиди.

Шу ўринда, Уильям Блекстоун томонидан "Битта айбсиз жавобгарликка тортилгандан кўра – юзта айбдор очиқда юргани афзал"<sup>1</sup> деб таъкидлаган. Мазкур ҳолатда қўришимиз мумкинки, ушбу ғоя инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса жиноят процессида айбсизлик презумпцияси ва реабилитация

<sup>1</sup> Ш.Олимжоновнинг «Судларнинг оклов ҳукмида ижобий инқилоб бўлдими?» номли мақоласидан парча.  
<https://qalampir.uz/news/-1583-40355>.

хуқуқини таъминлашда тамал тоши сифатида хизмат қилмоқда. Шу боис, Уильям Блекстоуннинг фикри орқали англаш мумкинки, хуқуқий тизим биринчи навбатда шахсни асоссиз таъқиб, ноқонуний қамоқ ва мулкий зиёндан ҳимоя қилишни мақсад қилиши лозим. Шу боис, реабилитация институти — давлатнинг ўз хатоларини тан олиши ва оқибатларни бартараф этишига йўналтирилган хуқуқий механизм бўлиб, фуқаронинг айбсизлигини эътироф этиш билан бирга, унга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни ҳам назарда тутади. Натижада, Блекстоуннинг таъкидлаган ғояси бугунги кунда ҳам реабилитация институтининг фалсафий ва хуқуқий асосларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бизнинг фикримизча ушбу ғоя суд-тергов органлари ҳодимлари учун ўз иш фаолиятларида раҳабарий тамойил бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши ва давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги таъкидлаб ўтилган.<sup>2</sup> Шу билан бирга, бош қомусимизнинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас хуқуқлари олий қадрият хисобланиши айтиб ўтилган.<sup>3</sup>

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Дарҳақиқат, бугунги кунда халқаро хуқуқда ноқонуний ёки асоссиз жиноий таъқибга учраган ва ноқонуний хукм қилинган шахсларни бузилган хуқуқларини тиклаш, уларни ҳимоя қилиш долзарб масалалардан бирига айланганлиги эътиборлидир. Шунингдек, 1995 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган «Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»нинг 9-моддаси 5-бандида ноқонуний равишда хибсга олинган ёки қамоқда сақлаб турилган ҳар бир киши даъво кучига эга бўлган товон талаб қилиш хуқуқига эга эканлиги белгиланган.<sup>4</sup>

Шунингдек, мазкур Пактнинг 14-моддаси 6-бандида, агар бирор-бир шахс жинояти учун узил-кесил қарор билан судланган бўлса ва агар бирор-бир янги ёки янгитдан аниқланган ҳолатга асосан суд ишида хато борлигини шубҳасиз исботлаши туфайли хукм бекор қилинса ёки ўша шахс авф этилса, шундай судлов хатоси сабабли жазоланган шахс, агар юқорида қайд этилган номаълум ҳолат фақат унинг айби ёки қисман айби билан ўз вақтида топилмаганлиги исботланмаган бўлса, қонунга мувофиқ компенсация тўланиши лозимлиги қайд этилган.<sup>5</sup>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддаси, <https://lex.uz/docs/6445145>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддаси, <https://lex.uz/docs/6445145>.

<sup>4</sup> «Фуқаровий ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт» (Нью-Йорк, 1966 й. 19 декабрь) 9 –модда, <https://lex.uz/docs/2640479>.

<sup>5</sup> «Фуқаровий ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт» (Нью-Йорк, 1966 й. 19 декабрь) 14 –модда, <https://lex.uz/docs/2640479>,

Бу каби кафолатлар 1950 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш түғрисидаги Европа Конвенцияси»нинг 5-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унда ҳар бир шахснинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигига ҳурмат қилиш, унинг ноқонуний ҳибсга олиниши ёки эркинлигидан маҳрум этилишига йўл қўймасликни таъминлашга қаратилган аниқ ҳуқуқий асослар белгиланган. Агарда шахс қонун талабларига зид равишда ҳибсга олинган ёки қамоққа сақланган бўлса, у етказилган зарар учун компенсация талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд қилинган.<sup>6</sup>

Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш орқали улардаги нормаларни ўз ҳуқуқий тизими доирасида сўзсиз таъминлаш мажбуриятини олган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси 4-қисмига мувофиқ, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади. Юқоридаги бош қомусмизда зикр қилинган норма Ўзбекистон Республикаси учун халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликдан устунлигини қатъий мустаҳкамлаб берган.

Авваламбор, бизда бир хақли савол туғилиши табиий яъни жиноят процессида реабилитация қандай маънони англатади? Реабилитация асослари қонунчиликда мустаҳкамланган (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 37-боб 301-моддаси 34-банди), бироқ жиноят процесси назариясида халиҳамон ушбу тушунчага етарлича таъриф берилмаган ҳамда бу масала ҳамон мунозарали бўлиб қолмоқда.

«Реабилитация» сўзи лотин тилидаги "rehabilitatio" сўзидан келиб чиқсан бўлиб, "re" - янгиланишни англатувчи олд қўшимча, "habilitas" эса яроқлилик, қобилият маъносини билдиради<sup>7</sup>.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида «Реабилитация» атамасига – фуқароларнинг ижтимоий сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларини суд ёки маъмурий тартибда тиклаш, давлат томонидан унга нисбатан нохақ қўлланилган мажбурлов чоралари ёки унинг ҳуқуки ва эркинликларини бошқа тарзда чеклашнинг оқибатларини бартараф қилиниши деб таъриф бериб ўтилган.<sup>8</sup>

Ҳуқуқшунослар томонидан «Реабилитация» атамаси бир неча асрлар давомида ҳуқуқий муомала амалиётида қўлланиб келинган. Рус ҳуқуқшунос олими Н.И. Миролюбовнинг таъкидлашича, мазкур тушунча илк бор ўрта аср француз легисти — Блейнианус томонидан қўлланилган бўлиб, у хукм этилиб, кейинчалик оқланган шахснинг аввалги ҳуқуқий мақомини, яъни фуқаролик

<sup>6</sup> «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш түғрисидаги Европа Конвенция» (Рим, 1950 йил 4 ноябрь), [https://www.echr.coe.int/documents/d/echr/convention\\_rus](https://www.echr.coe.int/documents/d/echr/convention_rus).

<sup>7</sup> Безлекин Б.Т. Возмещение вреда, причинённого гражданину судебно-следственными органами. М.1979. С.138.

<sup>8</sup> Р.А.Мухитдинов ва бошқалар “Ўзбекистон юридик энциклопедияси”, Адлия вазирлиги хузуридаги “Адолат” нашриёти, 2009 й. 380-бет.

хуқуқлари ва эркинликларини түлиқ тиклаш жараёнини ифода этувчи энг қадимги хуқуқий институтга нисбатан ишлатилган.<sup>9</sup>

Юридик фанлар доктори Ф.Мухитдинов, “Реабилитация ибораси – қайта тикланиш, аввалги ҳолотга қайтариш маъносини англатади. Жиноят процессида реабилитация – бу ноқонуний жиноий таъқиб этиш ва ҳукм қилиш натижасида айбизз шахсга етказилган зиённи қоплаш ундириш деганидир.” – деб тариф бериб ўтган.<sup>10</sup>

Ушбу таъриф реабилитациянинг хуқуқий моҳиятини, яъни шахсни аввалги хуқуқий мақомига қайтариш ва унинг моддий манфаатларини тиклашни аниқ ифодалайди. Лекин шу билан бирга, реабилитация фақат хуқуқий тузатиш эмас, балки инсон шаъни, қадр-қиммати, жамиятдаги обрўсини тикланишини ҳам ўз ичига олади.

Олим Т.В. Могуйло таъкидлашича, реабилитация нафақат хуқуқларни түлиқ тиклаш, балки маънавий зарарни қоплаш, шу жумладан мулкий, меҳнат ва пенсия хуқуқларини ҳам тиклашни ўз ичига олади.<sup>11</sup>

Бизнинг фикримизча, ушбу ёндашув реабилитация институтининг қонуний ва ижтимоий мазмунини кенг қамровда акс эттириши билан аҳамиятлидир. Айниқса, фақат процессуал оқлаш билан чекланмасдан, шахснинг иқтисодий ва меҳнат соҳаларидағи хуқуқларини тиклашга қаратилган ёндашув давлатнинг инсон хуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларига мос келади.

Шу билан бирга, мазқур таърифда шахснинг жамият олдидаги шаъни ва қадр-қимматини тиклаш, унинг обрўсини қайта тиклаш масалалари камроқ ёритилган. Шу сабабли, мазқур позицияни мукаммаллаштириш мақсадида унга давлатнинг маънавий жавобгарлиги ва реабилитация қилинган шахсга нисбатан очиқ-ошкора узр сўрашга оид нормаларни ҳам назарда тутувчи ёндашув қўшилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хуқуқшунос олим Т.Т. Таджиев эса ушбу тушунчани даставвал «Оқлов хукми чиқарилганда, тергов босқичларида, судга топширишда, шунингдек кассация ва назорат тартибидаги иш юритишида реабилитация асослари бўйича иш тугатилганда вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи процессуал нормаларнинг муайян гуруҳи»<sup>12</sup> деб таърифлаган бўлсада, кейинчалик Т.Т. Таджиев реабилитацияни «Ваколатли хуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг жиноят-процессуал қонунчиликда кўзда тутилган хужжатда баён этилган ва жиноят ҳодисаси ёки таркиби йўқлиги ёхуд аниқланмаганлиги,

<sup>9</sup> Миролюбов Н.И. Реабилитация как специальный правовой институт. Казань, 1902. С.17.

<sup>10</sup> Жиноят процессуал хукуки. Умумий қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси // ю.ф.д., Г.З.Тўлаганова, ю.ф.н., дотс, С.МРахмоноваларнинг умумий таҳрири оститида – Тошкент: ТДЮ нашриёти 2017-йил. – 490 бет. 400-бет.

<sup>11</sup> Таджиев Т.Т. Проблемы реабилитации в советском уголовном процессе: Автореф. дис....докт. юрид. наук. Ташкент, 1991. С.15. (Tadzhiev T. T. Problems of rehabilitation in the Soviet criminal process: Author's abstract. ... doct. jurid. sciences'. Tashkent, 1991. p. 15.)

<sup>12</sup> Таджиев Т. Реабилитация в советском уголовном процессе. – Ташкент, 1986. – С. 14.

ёинки мазкур шахснинг жиноят содир этишдаги иштироки исботланмаганлиги тўғрисидаги қарори» деб таърифлаган.<sup>13</sup>

Мазкур таъриф ҳуқуқий жиҳатдан етарлича аниқ ва моҳиятан тўғри бўлса-да, бизнинг фикри ожизимизча, мазкур ёндашувнинг маълум жиҳатлари реабилитация тушунчасининг фақат формал-юридик йўналишдаги ифодасини акс эттирган. Ушбу тушунчада реабилитацияни асосан процессуал ҳолат сифатида таърифлаб, унинг инсон ҳуқуқларини тиклашга, ижтимоий-ҳуқуқий адолатни таъминлашга ва давлатнинг ахлоқий жавобгарлигига доир илмий-ҳуқуқий ва фалсафий қирраларини етарлича қамраб олмаган.

Б.Т. Безлекиннинг фикрича, реабилитация тушунчаси «Судланувчини оқлаш ёки маҳкум, айбланувчи, шунингдек гумон қилинувчига нисбатан жиноят ҳодисаси ёки таркиби мавжуд эмаслиги ёхуд мазкур шахсларнинг жиноят содир этишдаги иштироки исботланмаганлиги сабабли жиноят ишини тугатиш»ни англатади деб таърифлаб ўтган.<sup>14</sup>

Юқоридаги олимнинг таърифи реабилитация тушунчасининг умумий процессуал негзига асосланган бўлса-да, унинг тўлақонли ижтимоий ва инсонпарварлик моҳиятини тўлиқ қамраб олмаган. Зоро, реабилитация — бу фақат иш юритиш тугатилиши ёки оқлов ҳукми чиқиши билан чекланмайдиган ҳуқуқий механизм ҳисобланади. У, аввало, фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини, жамиятдаги обрў-эътиборини, иқтисодий ва маънавий мақомини тўлиқ тиклашни қўзда тутиши шарт.

Шу боис, реабилитация тушунчасини тор доирада фақат процессуал жиҳатдан шахсни оқлаш ёки жиноят ишини тугатишдангина иборат деб тушунмасдан, балки унинг туб моҳияти — давлатнинг ўз фуқароси олдида унинг бузилган ҳуқуқлари тиклаш масъулиятини эътироф этиши ва жамиятда ижтимоий адолатни тиклашдир.

Ҳуқуқшунос олим М.И. Пастухов таъкидлаганидек, "Бундай қарорлар чиқариш фақатгина расмий жиҳатдангина оқлашдир. Ҳақиқий реабилитация фуқаронинг айбизлиги тан олинишидан бошланади. Бу эса фуқарога етказилган зарарни қоплаш, унинг ҳуқуқларини тиклаш ва атрофдагиларга айбиз шахснинг номи булғангандигини маълум қилиниши шарт" — деган фикри нисбатан анчаям тўғри ёндашувни намоён этади.<sup>15</sup>

М.И. Пастухов реабилитациянинг моҳиятини нафақат ҳуқуқий, балки инсоний ва ижтимоий мезонлар орқали очиб берган. Унинг юқоридаги фикрига кўра, реабилитация фақат ишни тугатиш ёки суд ҳукмини бекор қилиш билан чекланмаслиги керак. Реабилитациянинг асосий мақсади — шахснинг айбизлигини очиқ ва расмий эътироф этиш, унга етказилган барча заарларни

<sup>13</sup> Таджиев Т.Т. Проблемы реабилитации в советском уголовном процессе: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Ташкент, 1991. – С.15

<sup>14</sup> Безлекин Б.Т. Вопросы реабилитации на предварительном следствии. – Горький, 1975. – С. 13; Он же. Конституционное право граждан на возмещение имущественного вреда, причиненного судебно-следственными органами // Проблемы правового статуса личности в уголовном процессе. – Саратов, 1981. – С. 82–86.

<sup>15</sup> Пастухов М.И. Институт реабилитации: на пути к законодательному регулированию // Государство и право. – 1993. – № 12. – С. 58.

қоплаш, жамиятда шахснинг топталган пок номини тиклаши, обрў-эътиборини қайта жойига қўйишидир.

Худди шунга ўхшаш яқин фикрни хуқуқшунос олим Б.Т.Акрамходжаев қўйдагича таърифлаб ўтган, «Реабилитация деганда, ноқонуний равища жиноий жавобгарликка тортиш, озодликдан маҳрум қилиш, айбиз шахсларнинг нотўғри хўжм этилиши билан боғлиқ равища йўқотилган хуқуқ ва имтиёзларнинг қайтарилиши, хуқуқий чекловларнинг бартараф этилиши, шунингдек, келгусида хуқуқий лаёқатнинг тикланиши тушунилади. Реабилитациянинг юридик мақсади — тўлиқ фуқаролик хуқуқларига эга бўлмаган инсонни тўла хукуқли фуқарога айлантириш; ахлоқий мақсади эса — айбиз фуқаронинг омма олдидаги ва хизмат соҳасидаги ҳаётига тушган доғни бартараф этиш, жамиятдаги яхши номини тиклаш, унинг сиёсий вазифаси эса — фуқаро ва давлат ўртасида йўқотилган ишончни тиклаш, жиноят содир этилишининг олдини олиш, давлат учун иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлган — унинг аъзолари хонавайрон бўлишига йўл қўймасликдан иборат.»<sup>16</sup>

Зеро, реабилитация қилинган шахс фақат суд хукмида оқланибгина қолмай, балки жамият ва давлат олдида ҳам покланиши, у билан боғлиқ асоссиз шубҳа ҳам гумонларга барҳам берилмоғи лозим. Айнан мана шундай холис ва ҳаётий ёндошувлар орқалигина реабилитация тўлиқ амалга оширилиши ва шахснинг қонуний, маънавий ҳамда ижтимоий хуқуқлари тикланиши таъминланиши мумкин.

Реабилитация институти тарихий ривожланиш жараёнида турли даврлардаги хуқуқий ислоҳотлар таъсирида такомиллашиб бориб, инсон хуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим хуқуқий механизмга айланган. Шу маънода, ушбу институтнинг вужудга келиши, унинг қонуний асослари ва амалиётда қўлланиш босқичларини илмий таҳлил этиш унинг асл моҳиятини англашда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбек миллий давлатчилиги ва хуқуқ тизимининг энг илк босқичларини ўрганишда Ўзбекистон ҳудудига VII асрнинг биринчи ярмида арабларнинг босқинидан сўнг XX асрнинг бошларига қадар ислом хуқуқи яъни юртимизга ислом дининг кириб келиши билан шакллана бошлаган. У авваламбор, Куръон ва ҳадисга асосланган бўлиб, мусулмонлар учун ахлоқий, ижтимоий ва сиёсий нормаларни белгилаб берган. Ислом хуқуқи, араблар давлати ривожланиши билан бирга, фикҳ (хуқуқий фикр) ва ижтиҳод (хуқуқий қарорлар қабул қилиш) усуулларини ўз ичига олган.

Шу билан бирга кейинги даврларда фикҳ мактаблари (ханафий, шафейӣ, моликий ва ҳанбалий) шаклланиб, мусулмон фикҳи марказлари, жумладан, Бурхониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари орқали биз бугунги кунда ўша

<sup>16</sup> Жиноят-процессуал хуқуқ: Дарслик / Юридик фанлар доктори, профессор М. А. Ражабова таҳрири остида (Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 732 б. -345-бет. <https://yurkitob.uz/uz/books/reader/88>

давр жамиятининг хуқуқий ҳолатини бекамиқўст тасвирланганига амин бўламиз<sup>17</sup>.

Шунингдек, Амир Темурнинг «Темур тузуклари»да жиноятчиларни кечириш ва жавобгарликка тортиш меъёрлари ўрнатилган,<sup>18</sup> бу эса бугунги ўзбек замонавий хуқуқ тизимида реабилитация институтининг чуқур тарихий илдизга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи, айрим маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, аммо ягона қолипда – реабилитация институти Совет Иттифоқ жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги асосида кириб келди. Бироқ, Совет Иттифоқи даврида реабилитация институти қонун нормаларида назарда тутилган бўлса-да, амалда бу норма деярли татбиқ этилмаган. Қонун ҳужжатларида айбиз деб топилган шахсларнинг ҳуқуқлари тикланиши, етказилган зиён ва зарап қопланиши кераклиги қайд этилган бўлса-да, бу ҳуқуқлар факат қофозда мавжуд эди. Давлат органлари томонидан амалий чоралар кўрилмаган, реабилитация этилган шахсларнинг қонуний манфаатлари эътиборсиз қолдирилган. Айниқса, сиёсий сабабларга кўра жиноий тъзибга учраган фуқароларнинг реабилитация қилиниши масаласи мутлақо мухокама қилинмасдан эътиборсиз қолдирилган. Бунинг натижасида, реабилитация институти назарий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, у ҳаётда ўз ифодасини топмаган.

Шуниси ажабланарлики, Совет Иттифоқининг 1961 йилги Жиноят-процессуал кодексида реабилитация асослари қонунчилиқда мустаҳкамланган лекин реабилитация тушунчасига таъриф берилмаган, гарчи атаманинг ўзи ушбу кодексда икки марта ишлатилган, РСФСР ЖПКнинг 5-моддасида, агар иш юритиш вафот этган шахсни реабилитация қилиш учун зарур бўлса, қонуний асослар мавжудлигига қарамай, жиноят ишини тугатиш тақиқланиши ҳақида (5-модданинг 8-банди) ва РСФСР ЖПКнинг 385-моддасида, маҳкумнинг вафоти уни реабилитация қилиш мақсадида янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта қўришга тўсқинлик қилмаслиги тушунтирилган. Бироқ, ушбу атаманинг маъноси қонуннинг ўзида изоҳланмаган.<sup>19</sup>

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи (СССР)да «Реабилитация» тушунчасининг кенг қўлланилиши И.В. Сталиннинг вафоти ва Н.С. Хрущёвнинг ҳокимят тепасига келиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, XX асрнинг 30-50 йилларида амалга оширилган ноқонуний ва асоссиз оммавий қатағонлар туфайли ҳокимиятга нисбатан пайдо бўлган кўплаб ишончсизлик ва айбловлар таъсири остида эди.

Айниқса, И.В. Сталин бошқаруви даврида минглаб шахслар асоссиз равишда қамоқ олиниб, сиёсий сабабларга кўра сургун қилинган ёки ноқонуний тарзда ўлим жазосига хукм қилинган. Шунинг учун ҳам реабилитация сиёсати аввало қатағон қурбони бўлган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш,

<sup>17</sup> Хидоя. Коментарии мусульманского права. 1. Т. Ташкент, с. 38–42. <https://elibrary.namdu.uz/pdf>.

<sup>18</sup> Амир Темур "Темур тузуклари", [file:///C:/Users/User/Downloads/uploads\\_tuzuklar\\_uz.pdf](file:///C:/Users/User/Downloads/uploads_tuzuklar_uz.pdf).

<sup>19</sup> А.Н. Глыбина, Ю.К. Якимович. Реабилитация и возмещение вреда в порядке реабилитации в уголовном процессе России – издательство томского университета., 2006. – С. 38.

уларни сиёсий ва ҳукуқий оқлаш жараёни билан бевосита биргаликда амалга оширилганлиги билан ахамиятлидир.

Бинобарин, «Реабилитация» атамаси фақат сиёсий қатағон қурбонларининг хотирасини абадийлаштириш ҳамда шаъни, қадр-қиммати ва мулкий ҳукуқларини тиклашга бағишлиланган меъёрий ҳужжатларда қўлланилган.<sup>20</sup> СССР Олий суди Пленуми ва РСФСР Олий суди судлов ҳайъати ўз қарор ва ажримларида «Реабилитация қилинувчи» ва «Реабилитация асослари» атамаларини ишлатган, аммо уларнинг маъносини тушунтирган.<sup>21</sup>

Реабилитациянинг қонуний асосда пайдо бўлиши СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1981 йил 18 майдаги «Давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек мансабдор шахсларнинг хизмат вазифаларини бажариш чоғида ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида фуқарога етказилган зарарни қоплаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида фуқарога етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида»ги Низомда акс этган.<sup>22</sup>

Бироқ, амалга оширилган сезиларли такомиллаштиришларга қарамай, то мустақилликка эришмагунимизча Ўзбекистон ҳукуқ тизими ва қонунчилигига ушбу институт қонуний жиҳатдан тўла мустаҳкамланмаган эди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, Ўзбекистон Республикасида қонуний демократик жамият барпо этиш йўлида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Бу жараёнда жиноят-процессуал қонунчилиги ҳам тубдан қайта кўриб чиқилди. Жумладан, 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида шахс ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу Кодекснинг 83-моддаси «Реабилитация учун асослар» деб номланиб, шахсни айбсиз деб топиш ва уни реабилитация қилишнинг аниқ ҳукуқий асосларини белгилаб берди.

Унга мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қуйидаги ҳолатларда айбсиз деб топилади ва реабилитация қилиниш ҳукуқига эга бўлади:

биринчидан, иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноят ҳодиса юз бермаган бўлса;

иккинчидан, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

учинчидан, унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса.

<sup>20</sup> См., например: Закон РСФСР от 26 апреля 1991 г. «О реабилитации репрессированных народов», Закон РФ от 18 октября 1991 г. «О реабилитации жертв политических репрессий», Указ Президента РФ от 14.03.1996 г. «О мерах по реабилитации священнослужителей и верующих, ставших жертвами необоснованных репрессий», Указ Президента РФ от 23.04.1996 г. «О дополнительных мерах по реабилитации жертв политических репрессий».

<sup>21</sup> Бюллетень Верховного Суда РСФСР. – 1965. – № 1. – С. 14; Бюллетень Верховного Суда РСФСР. – 1965. – № 5. – С. 2–3; Бюллетень Верховного Суда СССР. – 1985. – № 5. С. 19–20; 1987. – № 1. – С. 9–11.

<sup>22</sup> Указ Президиума ВС СССР от 18 мая 1981 г. N 4892-X "О возмещении ущерба, причиненного гражданину незаконными действиями государственных и общественных организаций, а также должностных лиц при исполнении ими служебных обязанностей" (утв. Законом СССР от 24 июня 1981 г. N 5156-X) // Ведомости Верховного Совета СССР.- 1981.- № 21

Ушбу ҳуқуқий нормалар шахснинг шаъни, қадр-қиммати ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим кафолат сифатида хизмат қилади ҳамда реабилитация институтининг миллий қонунчиликда мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлайди.

Ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси унинг фуқароларининг айбизизлик презумпцияси ва реабилитация ҳуқуқининг суд-ҳуқуқ амалиётида бу тамойилнинг амалий ифодаси — оқлов ҳукми орқали намоён бўлади. Оқлов ҳукми фақатгина айловни рад этиш билан чекланмай, балки давлатнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги масъулиятини ҳам акс эттиради.

Оқлов ҳукми — суд органи томонидан айловни асоссиз деб топиш ва шахснинг жиноятга алоқадор эмаслигини расман эътироф этиш орқали чиқариладиган қарор ҳисобланиб, унинг ҳуқуқий табиати ЖПКнинг 464-моддасига мувофиқ, суд қўйидаги ҳолатларда оқлов ҳукмини чиқаради:

Биринчидан, жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

Иккинчидан, судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса;

Учинчидан, жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса.

Шунингдек, Оқлов ҳукми шахснинг тўлиқ айбизлигини эътироф этиш билан бирга, унга нисбатан ҳуқуқий оқибатларни бартараф этади ва реабилитация асосини вужудга келтиради<sup>23</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида реабилитация институтига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ушбу институтнинг ҳуқуқий асослари ва амалий механизмлари кодекснинг VII бўлимида «Реабилитация» сарлавҳаси остида тизимли тарзда ёритилган. Мазкур бўлимдаги 37-боб «Реабилитация асослари ва оқибатлари», 38-боб эса «Реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш тартиби» деб номланган бўлиб, шахснинг асоссиз равишда жавобгарликка тортилиши оқибатида етказилган моддий ва маънавий зиённи бартараф этиш бўйича муҳим ҳуқуқий кафолатларни белгилайди.

Мазкур Кодекснинг 301-моддасидан 313-моддагача бўлган нормаларида реабилитация қилишнинг ҳуқуқий асослари, унинг моддий ва ҳуқуқий оқибатлари, қисман реабилитация тушунчаси ва шартлари, мулкий зиённи қоплашнинг ҳажми ҳамда манбаи, зиённи ундиришдаги юридик механизмлар, қоплаш тартиби, шунингдек, тегишли қарор ва ажримлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи аниқ тартиба солинган.

Шунингдек, ушбу нормалар орқали реабилитация қилинган шахсларга етказилган маънавий зиённи бартараф этиш, уларнинг бошқа шахсий ва мулкий ҳуқуқларини тиклаш, бу ҳуқуқларни умумий даъво тартибида амалга ошириш, уларни талаб қилиш муддатлари, реабилитация қилинган ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳолати ва ҳуқуқларини тиклаш масалалари ҳам қамраб олинган.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 464-моддаси, <https://www.lex.uz/docs/111460>.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодекснинг 373-моддаси 1-қисмида белгиланишича, дастлабки тергов жараёнида жиноят иши 83 ва 84-моддаларда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда тутатилиши мумкин. Бу норма тергов жараёнида ҳам шахснинг ҳукуқий мақоми ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган муҳим ҳукуқий механизм сифатида намоён бўлади.

Реабилитация жиноят-процессининг асосий бўғини бўлиб, жиноят судларида иш юритишнинг устивор вазифаларидан бири ҳисобланади. Жиноят процесси вазифаларини амалга ошириш фақатгина демократик тамойиллар асосидагина мумкин, бу эса жиноят судлов ишларини юритишнинг асосий тамойилларига риоя этилиши ва бажарилишини тақозо этади. Шу тариқа, реабилитация мазкур тамойилларга мувофиқ амалга оширилади ва улар билан узвий боғлиқдир. Жиноят-процессуал фаолиятда реабилитация марказий ўринни эгаллайди, чунки у жараённинг мақсадларини белгилаб беради.

Бундан ташқари, реабилитация ҳукуқий давлат барпо этиш ва адолат тамойилларига асосланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим шарти ва кафолатларидан бири сифатида намоён бўлади. Чунки шахснинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқук ва эркинликлари устивор қадрият сифатида тан олинган жамиятда реабилитация фақат ноқонуний таъқибдан озод этиш воситаси эмас, балки давлат ва жамиятнинг инсонпарварлик ва адолат принципларига садоқатини амалда намоён этувчи механизм ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида эса шахснинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари юқорида санаб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилик ҳамда Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро ҳукуқий ҳужжатлар билан кафолатли тарзда ҳимоя қилинади. Мазкур кафолатлар ҳукуқий давлатнинг пойdevori сифатида, реабилитация институти орқали шахс манфаатларини тиклаш ва унга етказилган заарни бартараф этишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган либерал ислоҳотлар ва инсон ҳукуқларини таъминлаш борасидаги қатъий сиёсий ирода натижасида, ҳукуқий соҳа бевосита реабилитация қилинган шахсларнинг бузилган ҳукуқларини тиклашда бир қатор муҳим ўзгаришлар амалга оширилимокда.

Реабилитация қилинган шахсларга нисбатан ўз вақтида қонунга зид равиша қўлланилган процессуал мажбурлов чоралари – ушлаш, қамоқда сақлаш, лавозимидан четлятиш ёки тиббий муассасага мажбуран жойлаштириш каби ҳаракатлар натижасида етказилган моддий ва маънавий заарни қоплаш, уларнинг шахсий ва ижтимоий ҳукуқларини тўлиқ тиклаш – ҳукуқий давлат тамойилларининг амалдаги ифодаси сифатида таъминланиши шарт.

Шунингдек, айrim ҳолларда амалиётда қонун бузилиши натижасида бошланган тергов ҳаракатлари айбланаётган шахсга нисбатан жазо тайинлашга йўналтирилган бошланғич қадам вазифасини бажариб келаётганлиги сир эмас. Шунингдек, жиноят процессининг мазмунан ва инсонпарвар хусусияти

шундаки, унда фақат айбдорларни аниқлаш ва жазолаш эмас, балки айбсиз шахсларни ноқонуний тарзда жавобгарликка тортишнинг олдини олиш, ноқонуний жавобгарликка тортилган шахсларни аниқлаб, уларни реабилитация қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-бобига мувофиқ, жиноят процессининг асосий мақсади — жиноятлардан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, айбсиз шахсни асосиз равишда айблаш, ҳукм қилиш ёки унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳолатларининг олдини олишдан иборатdir.

Қонунчилик жиноят-процессуал фаолиятнинг икки жиҳатига эътибор қаратади, унинг нафақат жазоловчи, балки ҳимоя қилувчи ролини ҳам таъкидлайди. Айтилишича, айбдорларни жавобгарликка тортиш ва уларга адолатли жазо тайинлаш, шунингдек, айбсизларни таъқиб қилишни тўхтатиш, уларни жазодан озод этиш ҳамда ноҳақ айбланган шахсларни оқлаш – барчasi жиноят суд ишларини юритишнинг мақсадларига бирдек мос келади.

Замонавий жиноят процессида реабилитация институтининг ролини таҳлил қилиб, реабилитациянинг ўзи тушунчасига тўхталиш лозим. Жиноят-процессида реабилитация қонунга хилоф тарзда айбланиб, судланиб ёки бошқача йўл билан жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашга мўлжалланган ҳукукий механизmdir. Ушбу институтнинг асосий мақсади адолатсиз жиноий таъқибга учраган шахсларнинг ижтимоий мавқеини тиклаш ва уларга компенсация тўлашни таъминлашдан иборат. Бу ҳам юридик реабилитацияни (айбловни бекор қилиш, унинг асосизлигини тан олиш), ҳам моддий ва маънавий зарарни қоплашни ўз ичига олади. Ушбу институт доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилади, бу эса адолатли ва қонуний жиноят судловининг муҳимлигини таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан, реабилитация нафақат хатоларни тузатиш усули, балки ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш ва одил судловга бўлган ишончни сақлаб қолишнинг муҳим омили ҳам ҳисобланади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва такомиллаштириш бўйича замонавий ҳаракатлар асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу саъй-ҳаракатлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПФ-3723-сонли Фармони асосида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур концепция жиноят процесси ва жиноят-процессуал амалиётнинг муайян жиҳатларини замонавийлаштириш мақсадига қаратилган. Хусусан, реабилитация институтининг жиноят процессидаги ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, уни ривожлантиришнинг янги методологик асосларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда жиноят процессида реабилитация институтини замонавий хуқуқшунослик талабларига мувофиқ такомиллаштириш билан боғлиқ турли вазифалар олдимизда турибди. Асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, илғор хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва миллий жиноят-процессуал қонунчиликка жорий этиш имкониятларини ўрганиш, шунингдек, ушбу жараён билан боғлиқ муаммоларни ҳар томонлама тадқиқ этиш;

иккинчидан, реабилитация билан боғлиқ жиноят ишларини кўриб чиқиш жараёнларини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш.

Реабилитация атамасининг аниқ таърифини эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнданги «Реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа хуқуқларини тиклаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 18-сонли қарорида учратиш мумкин. Унда реабилитация асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг бузилган хуқуқ ва эркинликларини тиклаш жараёни сифатида тушунтириш берилган.<sup>24</sup>

Бундан ташқари, жиноий таъқибдан келиб чиқадиган маънавий ва моддий зарарни қоплаш масаласида қонунчиликда айрим ноаникликлар мавжуд. Мулкий зарарни қоплаш масаласи Ўзбекистон Республикаси ЖПКда алоҳида боб ва Олий суднинг кўшимча Пленумида ёритилган бўлса-да, маънавий зарар масаласига Жиноят-процессуал кодексининг фақат битта моддаси бағишлиланган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги №7-сонли қарори ҳам мавжуд. Мазкур ҳужжатда маънавий зарарни қоплаш масаласида судлар олдига қўйилган вазифалар ва баъзи хусусиятлар очиб берилган. Ноқонуний жавобгарликка тортилган шахслар сони қундан-кунга ортиб бораётгани хуқуқий ҳимоя ва реабилитация механизмларини янада такомиллаштириш зарурлигини қўрсатмоқда.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида реабилитация институтининг шаклланиши ва ривожланиши узоқ давом этган бўлса-да, бугунги кунда ушбу механизм Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 7-бўлимида етарли кўринишда акс эттирилган. Бироқ, бу тизимда камчиликлардан ҳоли деб ҳисоблаш учун ҳали эрта. Бунинг бир қатор сабаблари мавжуд, жумладан:

Биринчидан, реабилитацияни ҳар томонлама ва кенг қамровли тартибга солишининг йўқлиги, бу масалани ўрганишни давом эттириш ҳамда уни ўзгартириш ва тўлдириш бўйича таклифлар киритишнинг долзарблигини қўрсатмоқда.

<sup>24</sup> Постановление Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан от 23 июня 2023 года, №-18 «О судебной практике по некоторым вопросам возмещения вреда, причиненного реабилитированному лицу и восстановления его в иных правах» <https://lex.uz/uz/docs/6523571>

Иккинчидан, бундай механизмни амалиётда кўллашнинг самарасизлиги унинг воқелик талабларига мувофиқ эмаслигини кўрсатади. Бу муаммони бартараф этиш учун ушбу масалага бўлган қарашларни қайта кўриб чиқиш ва тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур.

Реабилитация институтини такомиллаштириш демократик қарашларга тўла мос келади ва хуқукий ривожланган давлат қуришга кўмаклашади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. «Фуқаровий ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт» (Нью-Йорк, 1966 й. 19 декабрь) 9 –модда, <https://lex.uz/docs/2640479>.
3. «Инсон хуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенция» (Рим, 1950 йил 4 ноябрь), [https://www.echr.coe.int/documents/d/echr/convention\\_rus](https://www.echr.coe.int/documents/d/echr/convention_rus).
4. Безлепкин Б.Т. Возмещение вреда, причинённого гражданину судебно-следственными органами. М.1979. С.138.
5. Р.А.Мухитдинов ва бошқалар “Ўзбекистон юридик энциклопедияси”, Адлия вазирлиги хузуридаги “Адолат” нашриёти, 2009 й. 380-бет.
6. Миролюбов Н.И. Реабилитация как специальный правовой институт. Казань, 1902. С.17.
7. Жиноят процессуал хуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси // ю.ф.д., Г.З.Тўлаганова, ю.ф.н., дотс, С.МРахмоноваларнинг умумий таҳрири оститида – Тошкент: ТДЮ нашриёти 2017-йил. – 490 бет. 400-бет.
8. Таджиев Т.Т. Проблемы реабилитации в советском уголовном процессе: Автореф. дис....докт. юрид. наук. Ташкент, 1991. С.15. (Tadzhiev T. T. Problems of rehabilitation in the Soviet criminal process: Author's abstract. ... doct. yurid. sciences'. Tashkent, 1991. p. 15.)
9. Таджиев Т. Реабилитация в советском уголовном процессе. – Ташкент, 1986. – С. 14.
10. Таджиев Т.Т. Проблемы реабилитации в советском уголовном процессе: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Ташкент, 1991. – С.15
11. Безлепкин Б.Т. Вопросы реабилитации на предварительном следствии. – Горький, 1975. – С. 13; Он же. Конституционное право граждан на возмещение имущественного вреда, причиненного судебно-следственными органами // Проблемы правового статуса личности в уголовном процессе. – Саратов, 1981. – С. 82–86.
12. Пастухов М.И. Институт реабилитации: на пути к законодательному регулированию // Государство и право. – 1993. – № 12. – С. 58.
13. Жиноят-процессуал хуқуқ: Дарслик / Юридик фанлар доктори, профессор М. А. Ражабова таҳрири остида (Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 732 б. -345-бет. <https://yurkitob.uz/uz/books/reader/88>

14. Хидоя. Коментарии мусульманского права. 1. Т. Ташкент, с. 38–42.  
<https://elibrary.namdu.uz/pdf>.
15. Амир Темур "Темур тузуклари",  
[file:///C:/Users/User/Downloads/uploads\\_tuzuklar\\_uz.pdf](file:///C:/Users/User/Downloads/uploads_tuzuklar_uz.pdf).
16. А.Н. Глыбина, Ю.К. Якимович Реабилитация и возмещение вреда в порядке реабилитации в уголовном процессе России – издательство томского университета., 2006. – С. 38.
17. Закон РСФСР от 26 апреля 1991 г. «О реабилитации репрессированных народов», Закон РФ от 18 октября 1991 г. «О реабилитации жертв политических репрессий», Указ Президента РФ от 14.03.1996 г. «О мерах по реабилитации священнослужителей и верующих, ставших жертвами необоснованных репрессий», Указ Президента РФ от 23.04.1996 г. «О дополнительных мерах по реабилитации жертв политических репрессий».
18. Бюллетень Верховного Суда РСФСР. – 1965. – № 1. – С. 14; Бюллетень Верховного Суда РСФСР. – 1965. – № 5. – С. 2–3; Бюллетень Верховного Суда СССР. – 1985. – № 5. С. 19–20; 1987. – № 1. – С. 9–11.
19. Указ Президиума ВС СССР от 18 мая 1981 г. N 4892-X "О возмещении ущерба, причиненного гражданину незаконными действиями государственных и общественных организаций, а также должностных лиц при исполнении ими служебных обязанностей" (утв. Законом СССР от 24 июня 1981 г. N 5156-X) // Ведомости Верховного Совета СССР.- 1981.- № 21
20. Постановление Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан от 23 июня 2023 года, №-18 «О судебной практике по некоторым вопросам возмещения вреда, причиненного реабилитированному лицу и восстановления его в иных правах» <https://lex.uz/uz/docs/6523571>